O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 26-avgust • Seshanba • 101-102 (27.907) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

24 август куни Хитой пойтахти Пекинда XXIX ёзги Олимпия ўйинлари ўз ниҳоясига етди. Ер куррасининг 204 давлати вакиллари иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалларини қўлга киритиб, 40-поғонани эгалладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПЕКИН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН 2008 ЙИЛГИ XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ СОВРИНДОРЛАРИ ВА ҚАТНАШЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пекин шаҳрида 2008 йилги XXIX ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашган Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг хизматларини, уларнинг мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга, республикада болалар ва ўсмирлар спортининг оммавийлигини янада ўстиришга қўшган ҳиссасини муносиб баҳолаш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида ўз Ватанидан ғурурланиш ва унга муҳаббат, атоқли спортчиларимизнинг янгидан-янги спорт чўққиларини ишғол қилиш намунасидан ибрат олишга интилиш ҳис-туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон ҳомийлари, хўжалик юритувчи субъектлари ва жамоатчилигининг Пекин шаҳридаги XXIX ёзги Олимпия ўйинларининг ғолиблари, совриндорлари ва қатнашчиларига бир йўла бериладиган мукофотларни қуйидаги миқдорларда белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

олтин медаль соҳибига — 200,0 минг доллар, шу жумладан ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 100,0 минг доллар;

кумуш медаль соҳибига — 100,0 минг доллар, шу жумладан ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 50,0 минг доллар;

бронза медали соҳибига — 50,0 минг доллар, шу жумладан ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 25,0 минг доллар;

бошқа қатнашчи-спортчиларга — ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан 2,0 минг доллардан.

2. Белгиланснки, XXIX ёзги Олимпия ўйинлари совриндорлари ва қатнашчилари бўлган спортчиларга пул мукофотлари Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан хорижий валютада — жисмоний шахслар учун белгиланган тартибда банкда очиладиган депозит валюта ҳисобварақларидан солиқлар ундирилмаган ҳолда АҚШ долларида тўланади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда, заруратни ҳисобга олган ҳолда, ёзги Олимпия ўйинларининг совриндорлари бўлган спортчиларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Лондон шаҳрида ўтказиладиган 2012 йилги XXX ёзги Олимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлашни ташкил қилиш ва такомиллаштириш бўйича Республика комиссиясини тузсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 25 август

Артур ТАЙМАЗОВ

Абдулло ТАНГРИЕВ

Сослан ТИГИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ПЕКИН ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН СПОРТЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга, мамлакатимизда истеъдодли ёш спортчиларни тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»

Тангриев Абдулло Товашевич — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Хилько Екатерина Викторовна — Трамполин бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Григорьев Борис Иванович — Марказий ҳарбий спорт клубининг дзюдо бўйича мураббийи

Мамадалиев Шухрат Нематович — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг мураббийи

Пятаев Владимир Евгеньевич — Яккама-якка кураш бўйича олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўйича мураббийи

Рузиев Ахролджан Ахмедович — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

Федоренчик Елена Николаевна — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг мураббийи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»

Меньков Вадим Юрьевич — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси

Собиров Ришод Рашидович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Тигиев Сослан Вазноевич — «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти спортчи-йўриқчиси

Фокин Антон Викторович — Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Таймазов Артур Борисович — «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти спортчи-йўриқчиси

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абаева Елена Алексеевна — Ўзбекистон терма жамоаси шифокори

Джаксиликов Нурлан Ибрагимович — Яккама-якка кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг мураббийи

Штурбабин Андрей Анатольевич — Яккама-якка кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўлими бош мураббийи

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Мансуров Дильшод Исматович — «Ёшлик» кўнгилли спорт жамиятининг мураббийи

Шарипов Мирали Бешимович — Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежининг мураббийи

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 25 август

Beijing 2008

ВАТАН СИЗЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАДИ

Дунё миқёсидаги ҳар бир спорт мусобақасида эришган ютуғимиз миллатимиз ва ватанимизнинг нуфузини, халқимизнинг ғурурини, ўзига бўлган ишончини оширади. Шоҳсупага кўтарилган ғолиб спортчиларимиз ўрнида ҳар биримиз ўзимизни кўрамиз, юртимизни кўрамиз. Бу ғалабалар ватан шаъни билан боғлиқ бўлгани учун чексиз фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этамиз, кўзларимизга қувонч ёшлари қалқади...

2-бет

ЎзХДП ҳаёти

ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ

халқимиз ўзлигини таниди

Август охирлагани сари байрам шукуҳи тобора кучлироқ сезилмоқда. Энг улуғ, энг азиз айёмни кўнгилдагидек ўтказишга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўриляпти. Ўзбекистон ҲДП ташкилотлари ҳам байрамолди тадбирларини изчиллик билан давом эттирмоқда. Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хива туман кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбати «Мустақиллик бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир», деб номланди. Унда партиянинг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари раислари, уларнинг ўринбосарлари, фаоллар, «Истиқбол ёшлар», «Фаол аёллар» қаноти етакчилари, халқ депутатлари Хоразм вилоят, Хива туман Кенгашлари депутатлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Ришод СОБИРОВ

Екатерина ХИЛЬКО

Антон ФОКИН

ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ

халқимиз ўзлигини таниди

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ҳаётимизнинг кундан кунга яхшиланиб бораётгани мамлакатимиз ўз олдига қўйган мақсадларга эришаётганидан далолатдир, — деди Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров. — Иқтисодий ислоҳотлар билан бирга, учинчи сектор — нодавлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари, сиёсий институтлар ҳам ривожланаяпти, мустаҳкамланаяпти. Бу эса халқимизда сиёсий маданият, фаоллик ошиб бораётганини кўрсатади.

— Истиқлол туфайлигина инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди, — деди Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Илҳом Тўраев. — Эътибор қаратадиган бўлсак, ўн етти йил орасида қабул қилинган қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси бевосита фуқаролар ҳуқуқларини кенгайтириш, таъминлаш ва уларни ҳимоялашга қаратилган. Шунинг билан бирга ҳуқуқий маданиятни оммалаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу эса биз қураётган фуқаролик жамиятининг талабидир.

— Мустақиллик йилларида инсонга эътибор кучайгани, айниқса, аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳар биримиз учун жуда қувонарлидир, — деди Журён қишлоқ врачлик пункти мудири, халқ депутатлари Хива туман Кенгаши депутати Ҳалимахон Авезова. — Бунинг натижасида келажагимиз эгалари бўлган ёшлар баркамол инсонлар бўлиб етишишига шарт-шароитлар юзага келди. Очиғини айтганда, Истиқлол туфайли халқимиз ўзлигини таниди.

Шунингдек, меҳнат фахрийси, партия фаоли Зуҳур Курбонов, «Қорақум» МЧЖ раиси Нодир Ҳасанов, Ўзбекистон ХДП Янгиариқ туман кенгаши раиси Раҳимажон Машарипова ва бошқалар ҳам Ҳурриятнинг тақдиримиздаги ўрни ҳақида ҳаётий мисоллар билан гапирдилар.

Тадбир сўнггида фаоллардан бир гуруҳига партия дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишдаги самарали меҳнатлари, жамоат ишларидаги фаол иштироки учун Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Хоразм вилоят ва Хива туман кенгашларининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда байрам совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз.)

Фракция фаолияти

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

ярим йиллигининг ижроси Ўзбекистон ХДП депутатлари томонидан муҳокама этилди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Ушбу масала юзасидан Молия вазирининг биринчи ўринбосари Мўбин Мирзаев маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2008 йил 8 февралдаги ҳукумат йиғилишида 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари белгилаб берилган эди. Уларни амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ўтган даврда ялпи ички маҳсулотнинг 9,3, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 12,2, пулик хизматлар ҳажмининг 18,9 фоизга ўсишини таъминлади. Иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари ва халқ фаровонлигининг ошиши тенденциялари кузатилаяпти.

Ташқи иқтисодий фаолият фаол ривожланди, маҳсулотни экспортга чиқариш ҳажми кўпайди, ташқи савдо ва тўлов баланси янада мустаҳкамланди.

2008 йилнинг биринчи ярмида Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган параметрлар ва мамлакатимиз Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ ижро этилди. Бюджет ижроси жараёнида ҳам асосий эътибор бозор ислоҳотларини жадаллаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишга қаратилди.

Молия вазири ўринбосари Давлат бюджетининг ярим йиллик ижроси юзасидан депутатларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳа юзасидан депутат Абдулла Абдуназаров маъруза қилди.

Ушбу қонуннинг мақсади электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Депутатлар ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон ХДП электорати ва барча истеъмолчилар манфаатлари нуқтаи назаридан жуда зарурлигини таъкидладилар. Лойиҳани концептуал жиҳатдан маъқуллаб, унинг устида жиддий ишлаш, такомиллаштириш зарурлигини айтдилар ҳамда бу борада ўз таклифларини билдирдилар.

Ўзбекистон ХДП депутатлари, шунингдек, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Масала юзасидан депутат Ҳамидулла Назаров маъруза қилди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

ИСТИҚЛОЛ ЭКОФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн етти йиллигига бағишланган **«Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги»** шиори остида **экофестиваллар марафонининг якуний босқичи** бўлиб ўтди.

У «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда мустақиллик йиллари мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, халқ саломатлигини сақлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва ютуқларга ҳамда уларни халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қутлуғ айём арафасида

МИЛЛИЙ БОҒДА

Тошкент шаҳар анъанавий «Маҳалла куни» тантаналари бўлиб ўтди

Ўтган шанба куни Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳар қачонгидан гавжумлашди. Кеч оқшом карнайлар садоси янграб, барчани байрамга чорлай бошлади. Мовий кўлдан ёқимли шабада эсиб турибди. Байрамона безатилган гўшада «Маҳалла тинч — юрт тинч», «Шарқ дарвозаси азим Тошкент — 2200 ёшда», «Маҳалла — қадриятлар бешиги», «Маҳалла ободлиги — юрт ободлиги», «Маҳалла — меҳр, оқибат маскани» каби ҳикматли шиорлар кўзга ташланади. Полиз экинлари, бўрсилдоқ нонлар, гул ва сайроқи қушлар намойишига бағишланган сайиллар уюштирилди. Дорбозлар, полвонлар ва спортчиларнинг чиқишлари... Кўлнинг чап соҳилида пойтахт маҳаллаларининг уста, чевар, зардўзлари томонидан тайёрланган турли буюмлардан иборат кўргазмалар ташкил этилди. «Барҳаёт анъаналар» ва «Алла» айтиш бўйича танловлар кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Бу ерга келган катта-кичикнинг чеҳрасида байрамона кайфият.

Абдусамад АБДУМАЛИКОВ, «Юсуф Саккокий» маҳалласи раиси:

— Юртимизда маҳалла бўлиб яшашнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Манбаларда кўрсатилишича, IX асрда Бухорода бир неча маҳалла бўлган экан. Зеро, маҳаллага бўлган эътибор, унинг ўрни-нуфузи айнан мустақиллик йилларида ортди, қадр топди. Аввалари кичик бир хонада бор-йўғи маълумотнома бериш билан чекланилган бўлса, энди ҳашаматли бинода катта байрамлар, турли тадбирлар ўтказиляпти. У чин маънода ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига эга кучли идорага айланди.

Айниқса, бизнинг маҳалламизда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва касаначиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган саъй-ҳаракатларимиз чаккимас. Туманда «Энг обод маҳалла» танлови ғолиби бўлдик. Моҳир зардўз Муҳайё Акромхўжаева ёшларга қадимий ҳунарларни ўргатиб, дуо олаётир. Муҳими, ёшу қариларнинг бўш вақти мазмунли ўтмоқда.

Васила АЮПОВА, Собир Раҳимов туманидаги «Намуна» маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Шундай сўлим боғда «Маҳалла куни»ни ўтказишнинг ўзи файзли, бетакрор. Боиси, амалга оширилаётган ишларимиз ўз баҳосини олиб турса, рақобат юзага келади. Бу эса изланиш ва ишлашга йўл очади. Маҳалла ёшлари ўртасида, айниқса, ёш келин-куёвларни катта ҳаёт синовларига тайёрлашга оид суҳбатлар ўтказиб турамиз. Мақсад — оилалар аҳиллиги, тотувлигига эришиш.

Ниғмон НИЗОМОВ, «Яккасарой» маҳалласи оқсоқоли:

— Улуғ байрамимиз — истиқлолимизнинг 17 йиллиги арафасида пойтахт маҳаллалари фаолларини йиғиб, амалга оширилган савобли ишларимизни сарҳисоб қилишимизнинг ўзи ибратли.

Пойтахтимизда жами 474 та маҳалла фаолият кўрсатмоқда. Байрам тадбирида ўн битта йўналиш бўйича ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди. Ғолибларга мукофотларни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Абдураҳимова тантанали суратда топширдилар.

Мирзо АНВАР

Суратларда: *тантаналардан лавҳалар.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

МАКТАБ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АВГУСТ КЕНГАШИ

Пойтахтимиздаги 169-мактабда Тошкент шаҳар умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Шаҳардаги умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг раҳбарлари, илғор педагоглар иштирок этган ушбу тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўрганиш ва ёш авлодга етказиш билан боғлиқ вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ғ.Шоумаров Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳанинг ажралмас қисми бўлган таълим-тарбия жараёнини тубдан ислоҳ этиш, жаҳон андозалари даражасига кўтариш, сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланганини таъкидлади. Шу мақсадда қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодни комил инсонлар этиб вояга етказиш, уларга ўз қобилияти ва салоҳиятига мос касб-ҳунар эгаллаш имконини бермоқда.

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ юртимизда салкам ўн мингга яқин мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнининг мазмунини тубдан такомиллаштириш, ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўқитиш тизимидаги ислоҳотлар таълим ва тарбиянинг ўзаро уйғунликда, бирбири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилаётгани билан аҳамиятлидир. Мактабларда ёшларга пухта билим бериш баробарида уларни миллий менталитетимизга хос фазилатлар асосида, умрбоқий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат, она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

«Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини мукаммал ўрганиш бўйича халқ таълими тизимида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, ўқитувчиларнинг жойларда бўлиб ўтаётган август кенгашларида асарнинг мазмунини ёш авлод онгига чуқур сингдириш масалалари атрофлича муҳокама қилинмоқда. Шу билан бирга 2008-2009 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи синфларида «Юксак маънавият — енгилмас куч» факультатив курси ўқитилиши кўзда тутилган. Айни пайтда жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида ҳам мазкур асарни мукаммал ўрганиш бўйича машғулотлар киритилиб, факультатив курсдан дарс берувчи ўқитувчилар учун қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилди. Ушбу ўқув курсига оид услубий тавсиялар, кўргазмали қуроллар, мультимедиа дастурлари яратилди. Асар мазмуни янги ўқув йилининг илк ҳафтасида ўтказиладиган «Мустақиллик дарслари»га чуқур сингдирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2008-2009 ўқув йилида юртимизнинг барча мактабларида ўтказиладиган «Истиқлол — ёруғ тақдиримиз, бахтимиз, иқболимиз» мавзуидаги ҳафталикда асар мазмунидан келиб чиққан ҳолда турли маънавий -маърифий тадбирлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Кенгашда «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг мазмун-моҳияти бўйича таълим жараёни билан боғлиқ вазифалар, асарни халқ таълими тизимида чуқур ўрганиш, ўқув машғулотларига таъсирчан ва самарали усуллар, илғор педагогик технологияларни жорий этишга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири

ВАТАН СИЗЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аввал хабар қилганимиздек, Пекин олимпиадасининг сўнгги кунларида таэквондочиларимиз медаллар учун даянга чиқдилар. Гарчи, ўз вазн тоифаларида Дмитрий Ким (68 кг.) ва Евгения Каримова (+68 кг.)лар баҳслардан кутилганидан барвақтроқ чиқиб кетган бўлса-да, яна бир вакилимиз Осиё чемпиони Акмал Эргашев (+81 кг.) ғолиблик учун муносиб кураш олиб борди. Олимпия ўйинларида илк маротаба иштирок этишига қарамай, дастлабки учрашувларни муваффақиятли якунлаган ҳамюртимиз чорак финал йўлланмасини қўлга киритди. Аммо ярим финал йўлланмаси учун жанубий кореялик спортчига қарши кечган баҳсда Акмал очколар ҳисобида кичик фарқ билан имкониятни бой бериб қўйди. Нуфузли мусобақанинг камида бронза медалига эгалик қилиши учун вакилимизда жуда қулай имконият юзага келган эди. Акмал Эргашев аввалига малайзиялик спортчини енгганди. Бироқ ҳал қилувчи баҳсда у нигериялик таэквондочига бронза медалини бой бериб қўйди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз олимпиячилари Пекин майдонларидан умумжамоа ҳисобида бир олтин, икки кумуш ва учта бронза медаллари билан юртимизга қайтадиган бўлишди. Мустақил юртимиз спортчиларининг мазкур ютуғига эркин курашчимиз Артур Таймазов (120 кг.) олтин, яна бир курашчимиз Сослан Тигиев (74 кг.), дзюдочимиз Абдулла Тангриев (+100 кг.) кумуш ҳамда батутчи Екатерина Хилько, дзюдо бўйича Ришод Собиров (60 кг.), гимнастикачи Антон Фокин бронза медаллари билан ўз улушларини қўшдилар. Энг муҳими, сайёрамизнинг 204 давлатидан энг сара спортчилар қатнашган ушбу нуфузли мусобақада мустақил Ўзбекистон олимпиячилари ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишди.

Ёдингизда бўлса, илк маротаба Ватанимиз спортчилари мустақил жамоа сифатида иштирок этган 1996 йилги Атланта (АҚШ) олимпиадасида ҳамюртларимиз 1 та кумуш, 1 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 51-поғонани банд этганди. 2000 йили Сидней (Австралия) олимпиадасида 1 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медали билан тақдирланган спортчиларимиз 47-ўринни эгаллашди. Бундан тўрт йил муқаддам Афинада ўтказилган XXVIII ёзги Олимпия ўйинларида ҳамюртларимиз 2 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медали билан 202 мамлакат вакиллари орасида 34-ўринга кўтарилишган эди. Бу гал ҳам Пекин майдонларида чинакам маҳорат кўрсатган спортчиларимиз эришган ютуқлар аввалгиларидан кам бўлмади. Вакилларимиз кескин ва муросасиз кечган мусобақалар якунида 1 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалларига сазовор бўлдилар ва якунда умумжамоа ҳисобида 40-ўриндан жой олдилар.

Агар мазкур кўрсаткични МДҲ давлатлари билан таққослайдиган бўлсак, Ватанимиз спортчилари еттинчи натижани қайд этишди. Қитъа миқёсида айтадиган бўлсак, ҳамюртларимиз саккизинчи бўлди. Бу эса Ватанимизда Олимпия спорт турларини янада оммавийлаштириш ва ривожлантиришга катта аҳамият берилаётганлигининг исботидир.

Пекин олимпиадасида муносиб иштирок этган спортчиларимиз бугун соат 14.00 да Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинади.

Эркин ХОЛБОБО, Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

ХИВА ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 17 йиллик шодиёнаси билан самимий табриклайди.

Бизнинг аҳил жамоамиз ҳам бошқа ҳамкасбларимиз каби эртанги кун эгалари бўлган ёш авлодга таълим-тарбия беришдек масъулиятли ва шарафли вазифани адо этаётганидан фахрланади. Айниқса, Ёшлар йилида биз — устоз ва мураббийлар бу соҳага янада фаолроқ ёндашиб, фидойилик кўрсатишимиз кераклигини ҳар лаҳза ҳис этиб ишлаяпмиз.

Қутлуғ байрам ҳар бир оилага, хонадонга бахт ва омад, шодлигу қувонч, хотиржамлик бахшида этсин. Улуғ айём муборак бўлсин!

ҚАДИМ ҚАДРИЯТЛАРИ ҚАЙТГАН ХОРАЗМ

Қўҳна Хоразмнинг минг йиллик бой тарихини, улуғ алломаларини эшитгандик, билардик. Лекин кимларгадир эриш туюларди шекилли, бу ҳақда баралла айтиш мумкин эмасди. Ҳатто илм аҳли орасида ҳам шивир-шивирдан нарига ўтилмасди. Истиқлол арафасида қадим Хиванинг ёши хусусида баҳс-мунозара бўлгани ҳамон ёдимизда. Минг афсуски, олимлар тортишуви шаҳар ёшини қандайдир рақамларга солиштиришдан нарига ўтмаган, унинг мавлуд санаси ҳақида эса эҳтиёт бўлиб ёзилган.

Ислом дини қатағон қилинган замонларда очиқ ибодат қилиш, зиёратгоҳларга бориш хавфли эди. «Жалолиддин Мангуберди» десак, ялт этиб кўз олдимизга озодлик учун курашган саркарда келарди-ю, у ҳақда нари борса, «мўғулларга қарши курашган ватанпарвар», дея олардик холос. Хоразмда нуфузли илмий даргоҳ очиш — шунчаки хом хаёлдан бошқа нарса эмасди. Маъмун Академияси ҳақида эса умуман гап бўлиши мумкин эмас эди.

Ниҳоят, мустақиллик даврига келиб, ўз эркимиз, ҳақ-ҳуқуқимиз, қадриятларимиз ҳақида эмин-эркин гапира бошладик. Аста-секинлик билан ўзлигимизга қайтдик, миллий қадриятларимиз тикланди. Бир пайтлар ёмон отлиққа чиқарилган аждодларимиз номлари оқланди, шарафланди.

Президентимизнинг ташаббуси билан ўтган йиллар давомида биргина Хоразм вилоятида шу қадар кўп тарихий саналар нишонландики, халқимиз қисқа фурсат ичида озодлик қандай неъмат эканини чуқур англаб етди.

Шовот туманида муқаддас бир қадамжо бўлар эди. Аҳмад Яссавий ва Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг устози улуғ аллома Юсуф Ҳамадонийнинг қадами теккан бу гўша йиллар ўтиб, мўмин-мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланганди. Аммо шўро замонида бу қадамжога келишнинг ўзи жиноят ҳисобланган. Келган кишилар махсус машиналарда вилоят руҳий касалликлар шифохонасига олиб кетилган. Бечораларнинг зиёрати шу яхлит якун топган. 1993 йилда Ислом оламининг буюк мутафаккири Юсуф Ҳамадонийнинг таваллуд санаси кенг нишонланди. Дастлаб мазкур тадбир муносабати билан мамлакатимиз ҳукуматининг махсус қарори эълон қилинди. Сўнг бир йил ичида ҳазратнинг қадамжоси тўла ободонлаштирилди, унга бақамти муҳташам Жоме масжиди қад ростлади. Зиёратчилар учун барча шарт-шароит яратилди. Ҳатто кўркам меҳмонхона қуриб ишга туширилди.

Ислом оламининг яна бир улуғ донишманди, тафсир олими Маҳмуд Замаҳшарий мавлуд санасининг ўтказилиши ҳам истиқлолнинг улуғ инъоми бўлди. Араб тилининг мукаммал грамматикасини яратган, Шарқ тарихига доир қимматли манбалар қолдирган, элликдан ортиқ бебаҳо илмий асар ёзган, ҳатто «Жоруллоҳ» — «Оллоҳнинг қўшниси» деган шарафга сазовор бўлган улуғ аждодимиз Маҳмуд Замаҳшарий хотираси ҳурмати Қўшкўпир тумани марказида обод маскан ва улкан Жоме масжиди барпо этилди.

Урганч шаҳрининг 360 йиллик тантаналари эса ҳамон воҳа аҳлининг хотирасидан кўтарилгани йўқ. Катта тўй арафасида шаҳарда мисли кўрилмаган даражада қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Хива шаҳрининг 2500 йиллик саси нишонланиши эса воҳа тарихининг олтин саҳифасига айланди. Ушбу тантана олдидан ҳукумат дастури асосида икки йил кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб борилди. Вилоят марказидан Хива шаҳригача троллейбус йўли тортилди. Тўй тадориги асносида шаҳарда олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари Хивага қайта умр бахш этди. Ўнлаб меъморий обидалар тўбдан таъмирланди, кўпсонли хорижлик меҳмонлар учун қулай ва жаҳон андозаларига тўла мос келадиган сайёҳлик мажмуаси барпо этилди. Шуни фахр билан айтиш керакки, бугун Хива меҳмонхоналари Европаникидан ҳеч қолишмайди. Ҳар йили қадим шаҳарга жаҳоннинг юзлаб давлатларидан сайёҳлар ташриф буюришади. Улар юртимизда қадим қадриятларга кўрсатилаётган иззат-ҳурматдан ҳайратга тушишади.

Қадим шаҳарнинг тўйи улуғликка муносиб тантана ва маҳобат билан ўтказилди. Унда Юртбошимиз нутқ сўзлаб, Хивани **«жонли тарихимиз»** дегани, **«юртимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг мислсиз ўтмишидан, ота-боболаримизнинг даҳосидан, маънавий мулкимизнинг буюк иқтидори ва қудратидан далолатдир»**, дея таъкидлагани ҳамон ёдимизда. Ўша, Нажмиддин Кубронинг Ватан озодлиги йўлидаги мислсиз жасорати, Мусо Хоразмийнинг алгебра, алгоритм каби кашфиётлари, Абу Райҳон Беруний-нинг беқиёс илмий салоҳияти улуғланган оқшомда давлатимиз раҳбари Хивада Маъмун Академиясини қайта ташкил этиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекканини маълум қилган. Байрам қўшалоқ айёмга айланган. Тантана жуда чиройли якун топди: қадим шаҳар осмонини минг-минглаб камалаксимон мушак ёғдулари кундуз мисоли ёритиб юборди. Бу — воҳа тарихида илк бора отилган мушак эди. Олдинлари эл-улус бундай мафтункор мушакбозликни фақатгина телевизор орқали томоша қилган, холос. Истиқлол Хоразмга гўзал байрамларни мафтункор мушаклар жилосида олиб келди...





Рўзимбой ЭШЧОНОВ, Маъмун Академияси директори:

— Авваллари вилоятда битта пахтачилик илмий-текшириш институти бўлар эди, у ҳам фақат пахтачилик билан шуғулланган. Юртбошимиз ташаббуси билан кишилик тарихидаги дастлабки академиялардан бири бўлмиш Маъмун Академиясининг қайта ташкил этилиши, кейинчалик мазкур илм даргоҳининг минг йиллик санаси жаҳон миқёсида кенг нишонланиши воҳада илмий муҳит шаклланишига замин яратди.

Олимларимиз ўтган фурсат ичида кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб боришди. Биргина биология ва қишлоқ хўжалиги бўлими тадқиқотчилари Хоразм табиий муҳити, иқлими, тупроғи учун мос келадиган пахта, буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини яратиб, уларни синовдан муваффақиятли ўтказишди. Бунинг ўзидан воҳа қишлоқ хўжалиги икки ярим миллиард сўм фойда кўрди.

Шунингдек, бу қадимий диёрда яшаб, ижод қилган улуғ алломалар, азиз авлиёлар, маънавият ва санъат аҳли мероси бўйича қомусий маълумотлар йиғилди ва тадқиқ қилинди.

Хоразм қадимдан алломалар юрти, илму маърифат маскани. Фаннинг барча соҳаларида фаолият юритиб, жаҳон илм-фанига муносиб ҳисса қўшган хоразмийларнинг саноғига етиш қийин. Биргина Маъмун Академиясида фаолият кўрсатган қиркдан ошиқ олим шундай нисбат билан фан тарихига кирган.

Ҳозир олимларимиз Огаҳий таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан кенг миқёсда тадқиқот-нашр ишлари олиб боришяпти. Маълумки, шоирнинг мероси сал кам қирқ жилдликни ташкил қилади. Шўро даврида бу улкан мероснинг атиги бир қисми ўрганилган, холос. Бугун биз Огаҳийнинг бутун меросини тўлалигича халққа етказиш ҳаракатидамиз. Бундан қувонмай бўладими?!

●●●

Буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди мўғулларнинг сонсаноқсиз қўшинига қарши ўн икки марта жангга кирган ва доимо ғалаба қозонган. Илгари бу ҳақда баҳс этиш тақиқланган. Ҳатто бирор кўча ё мактаб баҳодирнинг номи билан аталмаган. Юртбошимиз ташаббуси билан Жалолиддин Мангуберди таваллудининг саккиз юз йиллиги кенг нишонланди. Урганч шаҳрининг энг кўркам манзилида Ватан озодлиги йўлидаги толмас курашчига улуғвор ҳайкал ўрнатилди ва унинг шарафига муаззам меъморий ансамбль бунёд этилди. Шунингдек, Жалолиддин Мангуберди номи билан аталган Ватанимизнинг олий нишони таъсис этилди. Бугун баҳодирнинг ҳайкали қошида Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга отланган ўғлонлар ҳарбий қасамёд қилишади, унинг қаҳрамонона фаолиятига ҳавас билан қарашади, кўнгилларида улуғ ватанпарварга муносиб бўлиш туйғуси жўш уради. Бу тенгсиз сиймога муаззам ҳайкал қўйилиши, Ватан озодлиги йўлидаги фидойилигининг улуғланиши ҳам, шубҳасиз, истиқлол самарасидир...

Айни пайтда Хоразм инсонларни эзгуликка чорловчи «Авесто» каби қадим асарлар макони. Маълумки, бу асарни илгари биров билса, биров билмаган. «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Урганч шаҳрида «Авесто» майдони ва улкан хиёбон бунёд этилди. Очиқ осмон остида амфитеатр яратилди. Ҳозир бу масканда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинади...

Қисқа фурсатда — ўн йиллнинг нари-берисида биргина Урганч шаҳрида учта халқаро нуфузли тантана ўтказилгани боис шаҳар мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Янги майдонлар ва хиёбонлар, обидалар ва иншоотлар, кўчалар ва зиёратгоҳлар бунёд этилди. Жалолиддин Мангуберди ва «Авесто» ансамбллари бугун нафақат воҳа аҳли, балки хорижлик сайёҳларнинг ҳам севимли манзилига айланди.

Хоразмнинг номини дунёга танитган мумтоз алломалардан бири Мусо Хоразмийдир. У алгебра фанига асос солган. Бундан минг йил муқаддам Рим папаси Сильвестер II арабий рақамларни Европада жорий этади. XX асрнинг бошларида эса, бу рақамлар Россия орқали ўлкамизга кириб келади. Ҳолбуки, улар ўз вақтида, мана шу мўътабар заминда, улуғ аждодимиз Мусо Хоразмий томонидан яратилгандир. Бу ҳақиқатлар, мана, энди эътироф этилмоқда. Аждодларимизга, тарихимизга чет элларда ҳам муносиб ҳурмат кўрсатилмоқда. Бугун вилоят марказининг бош майдонида Мусо Хоразмийнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади, шунингдек, баланд ва кўркам курант барпо этилди...

Бугун аҳли Хоразмга барча қадим қадриятлари, алломалари, азиз авлиёлари қайтди. Биз бу улуғ ишларни мухтасар ҳикоя қилдик. Бу — аслида умондан бир томчи. Мустақиллик аталмиш бебаҳо неъматнинг қадим юртга инъомлари...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Солиқ ва ҳаёт

АСОСИЙ МЕЗОН — САМАРА

Кейинги йилларда Республикамиз Президенти ташаббуси билан текширишларнинг сонига эмас, сифатига алоҳида эътибор берилаяпти. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини текширишни қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлар бунинг яққол далилидир. Уларнинг ҳаммаси замирида эл манфаати кўзланмоқда. Жумладан, меҳнат жараёнларини кенгайтириш, тадбиркорларга ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш, ички бозорларимизни турфа маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш сингари мақсадлар ётади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда тадбиркорликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кенг имкониятлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган олти ойлик иш якунларига бағишланган мажлисида ҳам бу борада жиддий сўз борди...

2005 йил 5 октябрда қабул қилинган Президент Фармонидан сўнг кичик ва ўрта бизнес субъектларига кенг имкониятлар яратилди. Яъни, микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликларининг молия, хўжалик фаолиятини текшириш ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган бўлди. Натижада солиқ идоралари томонидан кескин ўзгаришларга (яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида текширишлар сонининг камайишига) эришилди. Жумладан, вилоятдаги солиқ органлари томонидан ўтган 2007 йилда бундай корхоналарда 485 та текшириш ўтказиш режалаштирилган бўлса, 2008 йил мўлжалида 450 тани ташкил этади. Бу ҳол катта самара бериши аниқ. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида назорат органларимиз томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган 1347 та текширишларнинг 1336 тасида турли шаклдаги хато ва камчиликлар аниқланди.

Вилоят ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч» телефони ишлаб турибди. Жорий йилнинг ўтган ойларида шу телефон орқали текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда фуқаролардан тўртта ариза ва шикоят олинди. Улардан вилоят кенгаши ваколатига алоқадор иккита шикоят вақтида текширилиб, тегишли чоралар кўрилди ҳамда фуқароларга бу ҳақда жавоб қайтарилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, амалдаги қонун ҳужжатлари, жумладан, текширишларни тартибга солиш бўйича Президентимиз томонидан амалиётга жорий этилган янги меъёрлар, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун яратилган енгиллик ва имтиёзларни солиқ тўловчиларга етказиш борасида кенг кўламли тушунтириш ҳамда профилактик ишлар изчил давом эттирилмоқда. Биргина ўтган ярим йил мобайнида вилоятимиз шаҳар ва туманларида ҳудудий комиссиялар ва назорат органлари томонидан қиркдан ортиқ амалий семинар, учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Буларнинг ҳаммаси текширишларни тартибга солиш ва назорат қилишдек муҳим соҳада янада юқори натижаларга эришишимизда ўз самарасини бермоқда.

Адҳам ОМОНОВ,
Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш бўлими бошлиғи

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти Аму — Сурхон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси

қуйидаги объектлар бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот 5-1. Бандихон тумани «К-1 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 2-босқич ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 173,780 млн. сўм, муддати — 150 кун.

Лот 5-2. Музработ тумани «К-5 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 108,837 млн. сўм, муддати — 150 кун.

Лот 5-3. Қизириқ тумани «К-9 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 2-босқич ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 44,221 млн. сўм, муддати — 75 кун.

Лот 5-4. Бандихон тумани «НК зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 124,216 млн. сўм, муддати — 135 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти Аму — Сурхон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси.

Манзили: Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй, Тел/факс: (8-376) 222-86-38, 223-65-51, 223-67-00.

Таъмирлаш ва тиклаш ишларини молиялаштириш — Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳар, 69-уйда ўтказилади.

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Ўзмиллийбанк» балансида турган мулкий комплексни сотиш мақсадида потенциал инвесторларни саралаб олиш бўйича
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилардан иборат мулкий комплекс:
➲ Полиэтилендан газ ва сув қувурлари ишлаб чиқариш ускуналари (ишлаб чиқариш қуввати — йилига 3.988,50 тн. тайёр маҳсулот);
➲ Майдони 1,5 гектарга тенг ер участкасида жойлашган, умумий майдони 4.406,79 кв.м бўлган ишлаб чиқариш, омбор ва маъмурий бинолар ҳамда иншоотлар.

2. Мулкий комплекс қуйидаги манзилда жойлашган:
Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси-1.

3. Танлов ҳужжатларини, шунингдек, танлов ўтказиш тартиби ва процедураси тўғрисидаги қўшимча ахборотни танлов таклифлари қабул қилинадиган муддат охирига қадар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача «Ўзмиллийбанк» Кичик бизнес бош бошқармасидан олиш мумкин.

4. «Ўзмиллийбанк» танлов таклифларини қабул қиладиган охирги муддат — 2008 йил 26 сентябрь куни соат (маҳаллий вақт билан) 18:00 гача.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча ахборот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» Кичик бизнес бош бошқармаси.

Телефон: 234-45-33, 235-17-02.
Факс: 234-04-53.

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Ўзмиллийбанк» балансида турган мулкий комплексни сотиш мақсадида потенциал инвесторларни саралаб олиш бўйича
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилардан иборат мулкий комплекс:
➲ Дағал мато ишлаб чиқариш ускуналари (ишлаб чиқариш қуввати — йилига 7 млн. метр тайёр маҳсулот);
➲ Майдони 55 гектарга тенг ер участкасида жойлашган, умумий майдони 16.835,55 кв.м бўлган ишлаб чиқариш, омбор ва маъмурий бинолар ҳамда иншоотлар.

2. Мулкий комплекс қуйидаги манзилда жойлашган:
Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Яккабоғ шаҳри, Чўмич ф.й., Ойбек кўчаси.

3. Танлов ҳужжатларини, шунингдек, танлов ўтказиш тартиби ва процедураси тўғрисидаги қўшимча ахборотни танлов таклифлари қабул қилинадиган муддат охирига қадар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача «Ўзмиллийбанк» Кичик бизнес бош бошқармасидан олиш мумкин.

4. «Ўзмиллийбанк» танлов таклифларини қабул қиладиган охирги муддат — 2008 йил 26 сентябрь соат (маҳаллий вақт билан) 18:00 гача.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча ахборот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» Кичик бизнес бош бошқармаси.

Телефон: 234-45-33, 235-17-02.
Факс: 234-04-53.

Август ойи — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

ҒАНИМАТ КУНЛАР

— Айни кунларда туманимизда пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди Денов туманидаги «Мирзобадал Мирзаев» номли фермер хўжалиги раҳбари Турсунпўлат Мирзаев.

— Хўжалигимиз 2005 йилда ташкил топган. Тасарруфимизда 62 гектар ер бор. Уч йилдирки, режаларни ортиғи билан уддалаяпмиз. Даромадимиз салмоқли. Дастлабки йилда 30 миллион сўм фойда олган бўлсак, 2007 йилда 50 миллион сўмни ташкил этди. Бу йил 55 миллион сўмни чўтлаб турибмиз... Ўтган уч йил ичида бешта техника восита сотиб олдик.

— Республика фермер хўжаликлари уюшмаси «Август ойи — пахтадан юқори ҳосил олишнинг гарови» деган даъват билан чиқиб, матбуотда ўз тавсияларини бергандан сўнг қилинаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Уюшманинг тавсиялари айни вақтда берилди. Чунки, асл пахтакор азалдан август — асад ойини ғўза парвариши мавсумининг энг масъулиятли палласи деб билган. Ана шу «зарбдор ўттиз кунлик»да ғўза агротехника талаблари асосида парвариш топса, сув вақтида ва меъёрида таралса, культивация сифатли ўтказилса, у шодашода тўқ, бўлиқ кўсаклар тўплайди, ой охирига бориб, пахта далалари қийғос очилади... Ҳосилни, ҳосилдорликни ва хирмон салмоғини ўзингиз кўз олдингизга келтираверинг. Шу боис, августни деҳқонлар ғанимат кунлар дейишади.

Шу ўринда асаднинг ўзига хос томонлари борлигини ҳам унутмаслик керак. Масалан, айни шу ойда зараркунанда ва ҳашаротлар тарқалишининг олдини олиш жуда муҳим, жуда масъулиятталаб юмуш. Тажрибалардан маълум, зараркунанда ва ҳашаротлар худди шу ойда ҳосилнинг 20-25 фоизини еб қўйиши мумкин. Шунинг учун биз айни кунларда уларга қарши биолабораторияда етиштирилган трихограмма, бракон ва олтин кўзлардан кенг фойдаланяпмиз. Улар кўсак қурти, ўргимчаккана каби зараркунандаларни йўқотишда беқиёс ёрдам беради...

— Суғориш ва культивация жараёнлари қалай?

— Бу ойда сувга қонган ғўзаларда кўсаклар сони ортиб, ҳосилга ҳосил қўшилади. Шунинг учун юксак агротехника ва фермерлар уюшмаси тавсияларига кўра сувни тунда «шарбат» қилиб тарашга жиддий эътибор бераяпмиз. Тажрибали сувчиларни жалб қилиб, иш ҳақларини ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилаяпмиз, уларнинг ишлари сифати ва салмоғини ҳам назарда тутаяпмиз.

Сувнинг ғўза томирларига етиб бориши — культивация сифатига боғлиқ. Жумладан, культиваторнинг иш органларини «балиқ сирти» қилиб ўрнатган ҳолда «одим»лата-япмиз... Пахта майдонларимизда ҳозир ғўзалар дуркун. Маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйинган...

✧✧✧

Турсунпўлат ака билан бўлган мазкур суҳбатимиз асосида ён дафтаримга ёзиб олган мана бу маълумотлар ҳам диққатга сазовор.

Пешқадам хўжалик олаётган даромадлари ҳисобидан 2005 йилда шаҳардаги «Туркистон» кўчасини тўла асфальтлаб берибди. Аҳолини электр энергияси билан таъминлашга зарур маблағлар ажратди. 1,5 километр узунликда газ қувурлари тортилиб, 50 га яқин хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлибди. Шунингдек, бу фидойи фермер кўприк қурди, кам таъминланган оилаларга икки бошдан соғин сигир берди. Қишлоқдошларининг тўй ва маросимларига имкон қадар кўмаклашди. Экин майдонларининг бир томони шиғил-шиғил пишган помидор-бодрингу ва бўй чўзган турфа кўкатлар...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУХОРО БАЙРАМ ОҒУШИДА

Қадим Бухоро бугун Мустақиллик байрами оғушида. Айёмга муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида мавжуд 63 та маҳалла фуқаролар йиғинида ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Биргина жорий йилда шаҳар кўча ва хиёбонларига 9000 туп можжевельник, 4000 туп қарағай, 1000 туп тут ниҳоллари, 26000 туп атиргул кўчатлари ўтказилди.

Шаҳарнинг 5-мавзесида қад ростлаган янги академик лицей, шубҳасиз, бухоролик ёшларга байрам туҳфаси бўлди. Эски шаҳарда қисқа вақт ичида барпо этилган марказий бозор эса бугун харидорлар билан гавжум. Хуллас, Бухорода байрамга катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» хиёбонида 100 нафарга яқин ногирон болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун «Эъзоз куни» ташкил этилди. Бу кун болажонларга концерт дастури намойиш этилди, оромгоҳдаги барча атракционлар бепул хизмат қилди. Шунингдек, уларга тадбир ташкилотчилари томонидан совға-саломлар улашилди, кейин эса археология музейи ва ҳайвонот боғига саёҳат уюштирилди.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖОМБОЙДАГИ ЯНГИ МАКТАБЛАР

Бу йил Жомбой туманида мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ 1 та янги умумтаълим мактаби барпо этилган бўлса, 4 та мактабда капитал реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Таълим масканлари истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Мактабларни янги ўқув йилига тез ва сифатли тайёрлашда «Самарқанд кристалл» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси, «Илҳом — 2001», «ПМК-1» қурилиш ташкилотлари, «Жомбой — темирбетон» АЖ бунёдкорларининг хизматлари катта бўлаётир.

Мамадали ЖАЛИЛОВ,
Самарқанд вилояти.

«ҲАМКОРБАНК»

очиқ акциядорлик тижорат банки
Термиз филиали жамоаси
ҳалқимизни
Мустақилликнинг 17 йиллиги билан
самимий табриклайди.

Истиқлол шарофати билан 2003 йилда ўз фаолиятини бошлаган мазкур банкда йил сайин мижозлар сони ортмоқда. Ўтган даврда халқимизга қулайликлар яратиш мақсадида филиал Термиз шаҳрида «Наврўз», «Энергетик», Темирйўл мини банклари, «Жайхун» пул ўтказмалари каби шохобчаларини ташкил этди. Бундан ташқари, вилоятнинг олис ҳудудларида ҳам аҳолига банк хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида Денов, Жарқўрғон туманларида минибанклар фаолиятини йўлга қўйди. Шу кунларда Шерободда қўшимча офис очиш режалаштирилган.

Банкнинг мазкур минибанк ва шохобчаларида мижозлар учун барча қулайликлар яратилган. Жисмоний ва юридик шахсларга кредитлар бериш амалга оширилаётир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида истеъмол кредити бериш бир неча баробарга ўсди. Бундан ташқари, уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун ипотека кредитлари бериш жараёни яхшиланди. Мақсад халқимизга намунали банк хизматлари кўрсатишдан иборат.

Улуғ байрам барчамизга қутлуғ бўлсин!



«Ҳамкорбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Термиз филиали жамоаси.

«ОҲАНГАРОНДОН»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги билан

Ватандошларимизни самимий муборакбод этиб, барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, бунёдкорлик ишларида муваффақиятлар тилайди.

Эзгу орзу-умидларимиз рўёбга чиқиб, дориломон кунлар саодатини, фарзандларимиз бахту иқболини кўриш бахти барчамизга насиб этсин!
Жаҳон билан бўйлашаётган юртимизни ёмон кўзлардан, нияти ғаразлардан Яратганнинг ўзи асрасин!

Юртимиз мустақиллиги абадий бўлсин!

«ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ»

ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



Барча ватандошларимизни энг улуғ,
энг азиз байрам —
мамлакатимиз мустақиллигининг
17 йиллиги
билан самимий қутлайди.

Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва
эртанги кунга ишонч асло тарк этмасин!
Қилаётган меҳнатимиз юртимизга,
хонадонларимизга қут-барака олиб кирсин!

Ҳар биримизнинг барча эзгу орзу-умидларимиз рўёбга чиқсин.
Ватанимиз мустақиллиги абадий бўлсин!

Ғиждувон туманидаги

206-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртдошларимизни
Мустақиллик байрами билан қутлайди.

Шуни айтиш керакки, Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда бўлгани каби мусулмон оламининг буюк мутафаккир Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ватанида ҳам беқиёс ишлар амалга оширилди, кўркам иншоотлар қад ростлади, янги кўчалар, йўллар барпо этилди, улуғ аллома хотирасига муносиб эҳтиром кўрсатилди. Бунда жамоамизнинг ҳам муносиб улуши бор. Бу бизга ғурур бағишлайди. Байрам арафасида Зарангари қишлоғида Педагогика коллежи қурилишини якунлаб, фойдаланишга топширдик.

Озод юртга байрамлар ярашади.
Барча-барчамизга, хусусан бунёдкор инсонларга
Истиқлолнинг 17 йиллик байрами муборак бўлсин.

Ҳур ўлкамизга кўз тегмасин!

Денов туманидаги

«Баҳриддин»

фермер хўжалиги

Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги билан барча фермерларни, ҳамюртларимизни самимий табриклайди.
Илоҳим, юртимиз тинч, Истиқлолимиз абадий бўлсин!

Эл дастурхони тўкин-сочинлиги йўлида шижоат билан меҳнат қилаётган хўжалигимиз айни кунларда гўшт, сут, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйган. Ғалла ва пахтадан юқори ҳосил олинаётир.
Жамоанинг асосий мақсади — эл-юрт фаровонлиги йўлида тобора баракали меҳнат қилишдир.

Барчани Мустақиллик, Истиқлол шодиёналари билан қутлаймиз!

Денов туманидаги «Баҳриддин» фермер хўжалиги жамоаси.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қоровулбозор тумани Кенгаши

мамлакатимиз халқини, барча партиядош ҳамда хайрихоҳ инсонларни Истиқлол шодиёналари билан самимий муборакбод этади.

Истиқлол йилларида Қоровулбозор ҳақиқий бунёдкорлик майдонига айланди.
У таниб бўлмас даражада ўзгарди.
Сахрода Нефтни қайта ишлаш заводи ва кўркам шаҳарча бунёд этилди.
Бугун туман маркази ва қишлоқларга қараб, ҳавасингиз келади. Бу — Мустақиллик шарофати!

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!

Мустақиллик туфайли Шофиркон ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Қишлоқлар обод, ўчоқларда «зангори олов» ёнади. Эл хизматида бўлган жамоамиз энг азиз, энг улуғ байрам – Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан барчани, айниқса нефть ва газ саноати ходимларини қизғин муборакбод этади.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

«Ғарбтаъминот» унитар корхонаси «Шофирконгаз» филиали жамоаси.

«СУРХОНПАХТАСАНОАТ»

ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ҲАМДА УНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ЖАМОАЛАРИ



Халқимизни Истиқлол байрами билан муборакбод этади.
Юртимиз тинч, дастурхонларимиз тўкин-сочин, турмушимиз фаровон бўлсин!
Жаҳон айвонида обрў-мартабаси ошиб бораётган Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнасин!

Тинчлик бор жойда бунёдкорлик, яратувчанлик ва ривожланиш бўлади. Янги замон шарофати билан Ватанимиз бунёдкорлик ўлкасига айланди. Илоҳим, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

«Сурхонпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси.



Янги шеърлар

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

«ЎН ЕТТИНЧИ ДУРНИ ҚЎШИБ ҚЎЙДИМ МЕН»

ИСТИҚЛОЛ — 17

Менга бу қутлуғ кун
Ифтихор эди,
Бир яхши иримга
уни йўйдим мен:
Қизимда ўн олти
маржон бор эди,
Ўн еттинчи дурни
қўшиб қўйдим мен.

21.08.08

ТУШ

Тушларимга кирар Деҳли сафари,
Сарбаланд саройлар, минорлар юксак.
Издиҳом ичида юрганинг сари
Сени қуршаб олар гадойлар лак-лак.

Бири шол, бировин тескари боши,
Садақа сўрашдан ияги толмас.
Аёвсиз қиздирар Ҳиднинг қуёши,
Лекин кўзёшларни қурита олмас.

Гадойни тўйғизмас мен берган чақа,
Халос эта олмас бу оҳу зордан.
«Ҳар қайда бандангни ўзинг ёрлақа»,
Шафқат сўрар эдим Парвардигордан.

18.08.08.

РИВОЯТ

Ҳурмат қилиш яхши ёши каттани,
Айлантириш мумкин чипта-паттани.
Қирқ ўғил шу тахлит навбат ошириб,
Боқиша олмади битта отани.

21.08.08.

ОЛТИН НИШОН

Интиқиб кутгандик бу кун, бу онни,
Таймазов келтирган олтин нишонни.
Нечун қувонмайин Пекинда дунё
Олқишлаб турганда Ўзбекистонни.

21.08.08 й.

СУҲБАТДОШ

Қанийди учраса шундай бир одам:
Сен ёқа бўлганда у ҳам енг бўлса.
Ёши, мартабаси тенг бўлмаса ҳам,
Албатта сен билан кўнгли тенг бўлса.

Қанийди учраса шундайин бир зот,
Гаплашсак жайдари ёронларга хос.
Дейлик: юлдузларда бормикин ҳаёт,
Қайси дармондори қайсимизга мос.

Қанийди учраса шундай суҳбатдош,
Бир-бирин асабин арралашмаса.
Бири кўз бўлганда, бири бўлса қош,
Суҳбатга ғийбат ҳеч аралашмаса.

19.08.08 й.

ШОИРНИНГ ЯРАТИЛИШИ

(Ҳазил)

Шоир керак бўлди Адабиётга,
Дедик: «Уни тезда топмоғимиз шарт».
Таяниб тажриба ҳамда саботга,
Шоир яратамиз талантли ва мард!

Олимлар юмушга киришди ҳушёр,
Бўлсин янги шоир бундоғ, дедилар.
Фаоллар йиғини чиқарди қарор,
Газеталар ҳам қўллаб, шундоғ, дедилар.

Биттасин яратдик, иккинчисин ҳам...
Дизайни жойида, кўзни оларди.
Лекин шеър ёздирсак, нимасидир кам,
Оддий бир тақлидчи бўлиб қоларди.

Ҳаракатга келмас, пуфламасанг гар,
Муқом қила бошлар кўрса устасин.
Бир жуфт аскияга келмас баробар,
Ясаб қўйган билан бунинг юзтасин.

Билингиз, ҳақиқий истеъдод насли
Бир оз самовотга тегишли хилқат.
Даврон тупроғига шоирни асли
Яратганнинг ўзи эккайдир фақат.

20.08.08.

Туҳфа

ПАРТИЯ ФАОЛИ — КИТОБ ҚАҲРАМОНИ

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ҳақида қанча гапирилса, қанча ёзилса ҳам арзийди. Шу боис истиқлол кашф этган жуда кўп қаҳрамонлар, ўз меҳнати орқасидан улуғланган инсонлар, уларнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида ижодкорлар турли жанрларда асарлар ёзишяпти. Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида ана шундай китоблардан бири ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди. Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, журналист Юсуф Бердиев қаламига мансуб «Ўзингдан қўймасин, далам» ҳужжатли қиссада Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ демократик партияси фаолларидан бири, уста деҳқон Ғайбулла Раҳмонов ҳақида ҳикоя қилинади.

Ғайбулла Раҳмонов Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Хўжаҳайрон қишлоғида яшаб, деҳқончилик билан шуғулланиб, мустақиллик даврининг ҳақиқий фидойиларидан бири сифатида эл-юртга танилган. Унинг пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, фидокорона меҳнатлари муносиб эътироф этилиб, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва олий нишон — Олтин Юлдуз билан тақдирланган эди.

Китобда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов у ҳақда шундай ёзади: «Ғайбулла акани марҳум дейишга тил бормайди. Чунки, у эл-юртга чинакамига, Юртбошимиз Фармонида таъкидланганидек, қаҳрамонона хизмат қилиб қўйган эди. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг. Бир вақтлари баъзиларга ҳатто ваҳимали кўринган Қарши чўлида нақ 50 йил тупроқ кечишнинг ўзи бўладими?! Ғайбулла ака ана шу «қайсар», «инжиқ» тупроқ бағридан бир неча йил давомида, аввало моҳир пахтакор сифатида юз тонналаб, минг тонналаб «оқ олтин» йиғиштириб олди. Мамлакатимизда ғалла мустақиллиги учун кураш бошланган Ҳуррият йилларида эса, ўзини уста ғаллакор сифатида кўрсатиб, бу умумдавлат, умумхалқ ишига буюк ҳисса қўшди»...

«Мериуюс» нашриёти томонидан Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигига атаб чоп этилган ушбу бадиий-биографик қиссада ажойиб инсон, бетакрор қалб соҳиби Ғайбулла Раҳмоновнинг ибратли ҳаёт йўллари жонли мисоллар, ёрқин хотиралар орқали тасвирлаб берилган.

Зуҳра ҲАСАНОВА

МУЗОКАРАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Миср воситачилигида Фаластин музокараларининг янги босқичи Каирда иш бошлади. «Музокаралардан мақсад фаластинлик гуруҳлар, айниқса ФАТХ ва ХАМАС ўртасидаги низога барҳам бериш, Ғазо секторидаги фаластинликлар ва Исроил ўртасида тинчлик ўрнатиш, асирлар алмашинувини йўлга қўйиш», — деб ёзади Мисрнинг «Ал-Аҳрам» газетаси.

Миср пойтахтига «Ислом жиҳоди» ва Фаластин озодлигининг халқ фронти раҳбарлари ташриф буюрди.

Июль ойи охирида Ғазо сектори фаластинликлар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар авж олган нуқтага айланди. Юз берган портлашда ислом тарафдорлари ФАТХни айблаб, Маҳмуд Аббос маслақдошларини минтақадан чиқаришга тушди. Натижада 11 нафар киши ҳалок бўлди, 100 нафари яраланди, 200 га яқини қўлга олинди.

LUFTHANSA ALITALIANI СОТИБ ОЛМОҚЧИ

Германиянинг йирик авиаташувчи компанияси — Lufthansa Италиянинг инқирозга юз тутаётган Alitalia авиакомпаниясини сотиб олиш бўйича музокараларни бошлади, деб хабар беради France Press. Италиянинг La Stampa газетасининг ёзишича, томонлар қандай шарт қўяётгани ҳали номаълум, аммо компания немисларга сотилиши аниқ. Ўтган йили Lufthansa таваккал қилмаслик учун зарар кўраётган Alitaliani сотиб олишдан бош тортганди. Ундан аввалроқ эса компанияни Россиянинг «Аэрофлот» ва Air France-KLM француз-голланд авиакомпаниялари харид қилмоқчи эди.

Alitalia 173 самолётга эга ва ҳафтасига Италия бўйича 1209, Европа ва дунё бўйича 101 рейсни амалга оширади. Йилнинг биринчи чорагида у 250 миллион евро миқдорида зарар кўрди.

ХОРІЈДА

ДИПЛОМАТИК АЛОҚА ЎРНАТИЛДИ

Туркманистон ва Иордания дипломатик алоқалар ўрнатиш ва Ашхобод билан Оман шаҳрида ўз элчихоналарини очишга қарор қилди, деб хабар беради РИА Новости. Ўтган якшанба куни томонлар Ашхобод шаҳрида шунга келишиб олишди. Президент Гурбангули Бердимуҳамедов ва қирол Абдулла Икки энергетика, транспорт, алоқа, қурилиш, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги, фан ва таълим соҳаларида ҳам ҳамкорлик қилишни режалаштирмоқда.

ИФЛОСЛАНГАН СУВ

ТУФАЙЛИ ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ

БМТ бошчилигида дунёнинг 53 шаҳрида ўтказилган тадқиқотлар 200 миллионга яқин аҳоли металл ва бошқа зарарли моддалар билан ифлосланган сувда етиштирилган маҳсулотларни истеъмол қилишини аниқлади. Буюк Британиянинг Guardian газетаси ёзишича, шаҳар шароитида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш нафақат қашшоқ давлатлар, балки Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам каби ривожланаётган мамлакатларга ҳам хос ҳолат. Шаҳар атрофида маҳсулот етиштириш билан шуғулланувчиларнинг 80 фоизи ифлосланган сувдан фойдаланади.

Стокгольм шаҳрида ўтказилаётган Халқаро сув ҳафталигида эълон қилинган мазкур ҳисобот бундай ҳолнинг «олдини олиб бўлмайди» деб баҳолади. Аҳолиси кўп бўлган шаҳарларга тез айнийдиган маҳсулотларни вақтида етказиб берувчи транспорт воситалари йўлга қўйилмагунча шаҳар ҳудудида деҳқончилик қилиш давом этаверади. Тадқиқотчиларнинг айтишича, фақат бир неча ривожланаётган давлатларгина қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган оқава сувларни назорат қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларига эга.

Аввалроқ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти йилига 200 миллион тонна тозаланмаган чиқиндиларни сувга оқизиш туфайли глобал экологик инқироз юзага келаётганидан огоҳлантирганди.

ООО «LANTICH» сообщает об уменьшении Уставного фонда с 3 089 303 793 сум на 3 048 753 793 сум.
Претензии принимаются по телефону: **217-62-27**

Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси Ижроқўм аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповга акаси **Абдухалил ОРИПОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти кекса журналист, меҳнат фахрийси **Абдуллаҳожи САЙФУТДИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

АНДИЖОН ПЕДАГОГИКА ВА ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳлини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими ходимларини, олий ўқув юртлари талабаларини Истиқлолимизнинг 17 йиллик муборак тўйи билан чин дилдан қутлайди.

Ватанимизнинг мард ва фидойи фарзандларини тарбиялашдек хайрли ишга баҳоли қудрат улуш қўшаётган соҳамиз вакилларига мустаҳкам соғлик, бахт ва саодат тилаймиз.

Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ БЕРУНИЙ «ЁҒГАР» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Истиқлолимизнинг шонли ўн етти йиллик айёми билан барча юртдошларимизни қутлайди.

Азизлар, хонадонингиздан тотувлик, хотиржамлик, қалбингиздан эса қувонч-шодлик аримасин. Истиқлол туфайли амалга оширилаётган барча соҳалардаги изчил ислоҳотлар, улкан бунёдкорликлар кўп миллатли она диёримизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг қалбига юксак ғурур ва чексиз ифтихор бағишлаётгани билан янада қадрлидир.

Юртимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонлик барқарор бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат

ХАЛҚ БАНКИ

Барча юртдошларимизни Республикамиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрами билан чин дилдан табриклайди.

Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик, оилангизга фаровонлик ва Истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда куч-қувват тилаган ҳолда

«ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ»

истеъмол кредитидан фойдаланишни таклиф этади.

Бунда сиз:

— Миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш;
— Уй-жой (ҳовли) ва квартираларни таъмирлаш;
— Даволаниш ва дори-дармонлар сотиб олиш;
— Ўз оила эҳтиёжларингизни қондириш мақсадида чорва моллари, парранда ва улар учун ем-хашак харид қилиш;
— Республикамизда ишлаб чиқарилаётган уй-рўзғор буюмларини харид қилиш каби имконият ва қулайликларга эга бўласиз!

ОИЛАНГИЗ БАНКИ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Хизматлар лицензияланган

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Халқимизга озодлик, ҳурлик келтирган Истиқлол айёми билан мамлакатимиз нефть ва газ саноати ходимларини, барча юртдошларимизни муборакбод этади.

Ватанимиз тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатимиз унумли, эришаётган ютуқларимиз янада салмоқли бўлаверсин.

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!





МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ «SIBUR» ЎЗБЕК — БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллик улкан шодиёнаси билан барча юртдошларимизни чин дилдан муборакбод этади.

Иқтисодиётимиз тараққиётига ўзларининг фидойи меҳнатлари, изланишлари билан ҳисса қўшиб келаётган ўз ҳамкасбларимиз ва ҳамкорларимизга ҳам янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Юртимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик доимо барқарор бўлсин. Дилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва меҳр-оқибат туйғулари асло тарк этмасин.

Истиқлол айёми муборак бўлсин!

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7962 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 01.45
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda